

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
DSc27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**САЛОМОВ ШАВКАТ ТУРАБОВИЧ**

**ТУПРОҚҚА АСОСИЙ ВА ҒЎЗА ҚАТОР ОРАЛИҚЛАРИГА ИШЛОВ  
БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2017**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)**  
**Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)**

|  |    |
|--|----|
| Саломов Шавкат Турабович<br>Тупроққа асосий ва ғўза қатор оралиқларига ишлов бериш<br>технологиясини такомиллаштириш.....                      | 3  |
| Саломов Шавкат Турабович<br>Совершенствование технологии основной и различной междурядной<br>обработки почвы при возделывании хлопчатника..... | 29 |
| Salomov Shavkat Turabovich<br>Developing of technology of soil plowing and tillage of the cotton inter-rows                                    | 55 |
| Эълон қилинган ишлар рўйхати<br>Список опубликованных работ<br>List of published works.....  | 59 |

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
DSc27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**САЛОМОВ ШАВКАТ ТУРАБОВИЧ**

**ТУПРОҚҚА АСОСИЙ ВА ҒЎЗА ҚАТОР ОРАЛИҚЛАРИГА ИШЛОВ  
БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2017**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Qx1 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.cottonagro.uz](http://www.cottonagro.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий  
маслаҳатчи:**

**Тешаев Фатулло Жўрақулович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

**Расмий  
оппонентлар:**

**Мирзажонов Қирғизбой Мизажонович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор, академик

**Орипов Розоқ Орипович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Ибрагимов Одилжон Олимжонович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш  
илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти хузуридаги DSc27.06.2017.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг «\_20\_» «\_Июль\_» 2017 йил соат \_9\_<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оққовоқ қ.ф.й, ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: [g.selek@qsxv.uz](mailto:g.selek@qsxv.uz))

Докторлик диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_№03\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оққовоқ қ.ф.й, ЎзПТИТИ кўчаси.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_7\_» \_июль\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_7\_» \_июль\_ даги \_№3\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ш.Ж.Тешаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, қ.х.ф.д.,  
профессор

**Ф.М.Хасанова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,  
қ.х.ф.н., катта илмий ходим

**Ж.Х.Ахмедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, б.ф.д., катта илмий ходим

## КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё пахтачилигида ресурс ва энергиялардан самарали фойдаланиш, уларни тежайдиган технология ва техника воситаларини қўллаш, самарали ғўза қатор оралиқларини ишлаб чиқиш орқали тупроқнинг агрономик хусусиятларини яхшилаш, унумдорлигини ошириш ҳамда юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Ўзани парваришlashда тупроққа ишлов бериш энг кўп энергия талаб қиладиган агротехник тадбир бўлиб, чигитни экишдан пахта ҳосилини териб олишгача сарфланаётган умумий энергиянинг 40-50 фоизи мазкур жараённи бажариш учун сарфланади<sup>1</sup>». Шунингдек, ерга асосий ва ўсув даврида қатор орасига ишлов беришда тупроқни химоялайдиган янги ресурстежамкор минимал ва ноль технологияларни қўллаш долзарб бўлиб ҳисобланади.

Республикамиз пахтачилигида тупроққа асосий ва қатор орасига ишлов беришда ресурс ва энергия тежамкор, юқори самарадорликка эга бўлган модернизациялашган техника воситаларидан фойдаланиш ҳамда ғўзани мақбул қатор оралиқларида етиштиришга қаратилган кенг қамровли чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада, жумладан, энергия ва ресурсларни тежаш ҳисобига ёқилғи-мойлаш материаллари, меҳнат сарфи ва бошқа харажатларни камайтириш, иш унумдорлигини ошириш мақсадида юқори унумли занжирли ва ғилдиракли тракторлардан ерни хайдаш, тупроқни чигит экишга тайёрлаш, қатор орасига ишлов беришни такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Дунё пахтачилиги амалиётида ғўза етиштириш агротехника тадбирларида тупроққа асосий ва қатор орасига ишлов беришда юқори унумли занжирли ва ғилдиракли тракторлардан кенг фойдаланиш, анъанавий 60 ва 90 см қатор оралиқлари билан бирга қўш қаторли 60x30 ва ўзгарувчан 80x40 см қатор оралиқларини қўллаш орқали ерлардан самарали фойдаланиш имконияти яратилмоқда. Ўзани турли қатор оралиқларида етиштириш ва юқори унумли тракторлар билан ерга асосий ва қатор орасига ишлов бериш технологияларини қўллашда ресурстежамкор мақбул қатор оралиқларини ишлаб чиқиш, тупроқ зичланишига мумкин қадар кам таъсир этадиган занжирли ва ғилдиракли техника воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, турли қатор оралиқларида етиштирилган ғўзани озиклантиришнинг мақбул меъёрлари ва кўчат қалинлигини ишлаб чиқиш долзарб бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 майдаги ПҚ-1758-сон «2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 июлдаги 215-сон «2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини

<sup>1</sup> [www.fao.org/docrep/018/i1688ri1688r03.pdf](http://www.fao.org/docrep/018/i1688ri1688r03.pdf)

янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.** Тупроққа асосий ва ғўза қатор орасига ишлов бериш технологиясини такомиллаштириш ва мақбул қатор орасини ишлаб чиқиш бўйича изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари жумладан, Texas Agricultural and Mechanical University, Oklahoma State University, Mississippi State University, (АҚШ), Institute of Cotton Research (ICR, CAAS) (Хитой), Australian Cotton Research Institute (Австралия), The Institute of Agricultural Engineering (Англия), University of Hohenheim, University of Göttingen (Германия), University Bologna, Institute for Agricultural Mechanization (Италия), Indian Agricultural Research Institute (Ҳиндистон), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Ғўзани етиштиришда мақбул қатор оралиғини ишлаб чиқиш ҳамда тупроққа асосий ва ғўза қатор орасига ишлов бериш технологиясини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: тупроқнинг механик таркибидан келиб чиқиб, ерга занжирли ва ғилдракли техникалар ёрдамида асосий ва экиш олдидан ишлов бериш технологиялари такомиллаштирилган (Texas Agricultural and Mechanical University, Oklahoma State University, Mississippi State University); турли қатор оралиқларида ғўза етиштириш агртехник тадбирлари ишлаб чиқилган (Institute of Cotton Research, ICR, CAAS); ерга асосий ва қатор орасига ишлов беришнинг тупроқнинг агрофизикавий, сув-физикавий ва агрохимёвий хоссаларига таъсири аниқланган (Australian Cotton Research Institute, The Institute of Agricultural Engineering); юқори унумли занжирли ва ғилдиракли тракторларнинг тупроқни зичланишига ва донадорлигига таъсири аниқланган (University of Hohenheim, University of Göttingen, University Bologna); қатор оралиқларида парваришланаётган ғўзаларнинг мақбул озиклантириш меъёрлари аниқланган (Indian Agricultural Research Institute).

Бугунги кунда пахта етиштирувчи мамлакатларда ғўзани турли қатор оралиқларида етиштириш ва юқори унумли тракторлар билан ерга асосий ва қатор орасига ишлов бериш технологияларини қўллаш бўйича куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ғўзани етиштиришда ресурстежамкор мақбул қатор оралиқларини ишлаб чиқиш; тупроқ

зичланишига мумкин қадар кам таъсир этадиган трактор ва техника воситаларини қўллаш; турли қатор ораликларида етиштирилган ғўзани озиклантиришнинг мақбул меъёрлари ва кўчат қалинлиги ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ғўзани етиштириш агротехнологияларида мақбул қатор ораларини ишлаб чиқиш, қатор ораларига ишлов бериш муддатлари, чуқурлиги ва озиклантириш усулларини такомиллаштириш бўйича В.Еременко, Ю.Д.Воронин, Г.Григорян, Х.Жалилов каби олимлар томонидан кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилган. Ғўзани 45x45 см тизимда квадрат уялаб, 70x45 см ва 60x45 см қатор ораликларида етиштириш бўйича В.Кондратюк, П.Беседин, С.Гильдиев Г.Габриельянц, Н.Ферштат, А.Қашқаров, Қ.Мирзажонов, Р.Назаров, Р.Хусанов, Р.Орипов, М.Ғаниев ва бошқалар томонидан турли тупроқ-иқлим шароитларига мос ҳамда муаяян навларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг самарадорлиги аниқланган.

Кейинги йилларда ғўзанинг тезпишар, тупи шакли ихчам бўлган ғўза навларини яратилиши, тупроққа занжирли ва ғилдиракли тракторлар ёрдамида асосий ва қатор орасига ишлов бериш ҳамда экинларни қисқа навбатлаб экиш тизимларини тадбиқ этилиши сув ва ресурстежамкор мақбул қатор ораларини ишлаб чиқиш ва унга мос ҳолда ишлов беришни тақозо этиб бу бўйича илмий изланишлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Типик бўз тупроқлар шароитида ғўза етиштиришда мақбул қатор оралиғи агротехникасини ишлаб чиқиш» (1998-2002 йй.), «Section-(b)-(47) «Определение агрономической оценки воздействия ходовых систем машинотракторных агрегатов на уплотнение почвы в период предпосевной подготовки почвы при возделывании хлопчатника» (2003-2006 йй.), ҚХА-9-011 «Республикаининг турли тупроқ-иқлим шароитида ғўза қатор орасига ишлов беришнинг мақбул агротехнологияларини такомиллаштириш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш» (2012-2014 йй.) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** минтақанинг тупроқ-иқлим шароити ва экилаётган навларнинг морфобиологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ғўзани 80x40, 80x60, 80 ва 60 см қатор ораликларида етиштириш самарадорлигини аниқлаш ҳамда ерга занжирли ва ғилдиракли тракторлар ёрдамида асосий ҳамда экиш олдидан ишлов бериш технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ерга асосий ва қатор орасига ишлов беришнинг тупроқ агрофизикавий, сув-физик ва агрохимёвий хоссаларига таъсирини аниқлаш;

турли қатор ораликларида тупроқ намлигининг ўзгариши динамикаси ҳамда суғоришнинг мақбул муддатлари ва меъёрларини аниқлаш;

тупроққа занжирли ва ғилдракли техникалари ёрдамида асосий ва экиш олдидан ишлов беришнинг самарадорлигини баҳолаш;

ғўзани турли қатор оралиқларида етиштиришда чигит экиш, ниҳолларнинг униб чиқиши, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига таъсирини аниқлаш;

ерга асосий ишлов бериш ва турли қатор оралиғида тупроққа ишлов бериш ҳамда маъдан ўғитлар билан озиклантириш усуллариини ғўзанинг гуллаши ва кўсаклар очилиши, қуруқ масса тўплаши ҳамда илдиз тизимининг ривожланишига таъсирини аниқлаш;

турли қатор оралиқларида ишлов бериш ва озиклантириш меъёрларининг ғўзанинг вилт касаллиги билан зарарланиши, пахта ҳосилдорлиги ва толанинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида типик бўз тупроқлар, занжирли Т-4А ва ғилдракли Магнум-8940 тракторлари, техник қисм воситалари, 80х40 см, 80х60 см 80 ва 60 см қатор оралари, маъданли ўғитлар, ғўзанинг ўрта толали «Оқдарё-6» ва «Наврўз» навлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** турли қатор ораларида ишлов беришда тупроқнинг агрофизикавий, сув-физик, агрохимёвий хусусиятлари, кўчат қалинлиги, суғориш тартиблари, ўсимликнинг ўсиши-ривожланиши, гуллаши, илдиз тизимининг шаклланиши, кўсаклар очилиши, теримлар салмоғи, пахта ҳосилдорлиги, толанинг технологик сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар ПСУЕАИТИда умумқабул қилинган «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в полевых хлопковых районах», «Методика полевых опытов с хлопчатником в условиях орошения», «Методы определения свойств хлопка-волокна» услубий қўлланмалар асосида олиб борилди. Маълумотларнинг математик-статистик таҳлиллари эса Б.А.Доспеховнинг услуби бўйича амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор юқори унумли занжирли ва ғилдиракли тракторлар билан тупроққа асосий ҳамда экиш олдидан ишлов беришнинг тупроқни зичланиши, солиштирма оғирлиги, сув ўтказувчанлиги каби агрофизик ва сув-физикавий хоссаларига таъсири аниқланган;

тупроққа асосий ва экиш олдидан ишлов беришда турли техникалар фарқи, ҳар хил қатор ораларида чигит экишнинг ниҳолларнинг униб чиқиши, фазалар бўйича ўсиш ва ривожланиш даврлари давомийлигига таъсири аниқланган;

турли техникалар ёрдамида тупроққа асосий, экиш олди ишлов бериш ҳамда ҳар хил қатор оралиқларида парваришланган ғўзанинг илдиз тизимини шаклланиши, қуруқ масса тўплаши, кўчатлар сони ва вилт билан зарарланишига таъсири тадқиқ қилинган.



ҳар хил қатор оралиқларида парваришланган ғўза навларида ишлов бериш технологиясининг асосий элементлари ҳамда озиклантириш тартиби такомиллаштирилган ва ушбу қатор оралиқларида парваришланаётган ғўзаларнинг мақбул озиклантириш меъёри аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси.** Тупроққа асосий ғилдракли Магнум-8940 ёки занжирли Т-4А тракторларида ҳамда экиш олди ишлов беришда занжирли Т-4А тракторлари самарадорлиги биринчи мартаба илмий асосланди. Ғўзани ҳар хил яъни 60, 80x40, 80x60, 80 см қатор оралиқларида парваришлаш, ишлов бериш сони, қамрови ва мақбул чуқурликлари такомиллаштирилди, шунингдек, мақбул экиш тизими, озиклантиришнинг меъёри аниқланди;

фермер хўжалиklarининг мавжуд ерларидан янада самаралироқ фойдаланиши, ғўзадан белгиланган режаларни кафолатли бажарилишини таъминлаш учун ўзгарувчан 80x40 см қатор оралиғида ғўза етиштириш агротехнологиясининг мақбул элементлари ҳамда озиклантиришни тежамли қўллаш технологияси ва уларни оқилона меъёрлари ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация тадқиқотларида занжирли ва юқори унумли ғилдиракли тракторлар билан тупроққа асосий ва экиш олди ишлов бериш, ҳар хил қатор ораларида парваришланган ғўза навларига ишлов бериш технологиясининг элементлари ҳамда озиклантириш тартибини, такомиллаштириш бўйича тадқиқотларни умум қабул қилинган услублар асосида ўтказилганлиги; назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши; олинган маълумотларга математик-статистик ишлов бериш ҳамда илмий-амалий ишлар якуний натижаларининг мос келиши; тадқиқотларда тўпланган маълумотлар хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги; тадқиқот натижалари Республика ва Халқаро миқёсидаги илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинганлиги мавзуни ишонччилигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ерга асосий ва экиш олди ишлов бериш учун занжирли ва иш унуми юқори бўлган ғилдиракли техника воситаларининг тупроқ зичланиши, қаттиқлигига таъсир этиш қонуниялари, турли 60, 80x40, 80x60, 80 см қатор ораларида ғўза етиштириш, қатор орасига ишлов бериш технологияси, ишлов бериш сони, қамрови, мақбул чуқурликлари, озиклантириш меъёрлари илмий асослангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фермер хўжалиқлари мавжуд экин майдонларидан самарали фойдаланиш, пахтадан юқори ва сифатли ҳосил олишни таъминлаш учун ўзгарувчан 80x40 см қатор оралиғида ғўза етиштириш технологиялари ишлаб чиқилган, асосий агротехника тадбирлари элементлари ҳамда минерал ўғитларни тежамли қўллашни мақбул меъёрлари ва кафолатли кўчат сонини таъминланиши ҳамда қатор ораларида ишлов бериш технологиясини такомиллаштирилиши натижасида тупроқнинг агрофизик, агрохимёвий хусусиятлари яхшиланиши амалий жиҳатдан исботланди.

### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Ерга асосий ишлов бериш ва ғўзани турли қатор оралиқларида етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

«Сув танқислиги шароитида ғўза навларини парваришlash агротехнологиялари бўйича» ва «Плёнка остида чигит экиш ва уни етиштириш агротехнологияси бўйича тавсия» мавзусидаги тавсияномалар ишлаб чиқилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 10.06.2017 й., 02/20-377-сон маълумотномаси). Пахтачилик фермер хўжаликларида қўлланма сифатида кенг фойдаланилмоқда.

ерни юқори унумли ғилдракли «Магнум-8940» ва занжирли Т-4А тракторлари билан шудгорлаб, эрта баҳорда тупрокни чигит экиш олдидан занжирли Т-4А ишлов бериш тадбирлари амалга ошириб, ғўзани 80x40 см қатор оралиғида етиштириш технологиялари Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё, Эллиққалъа, Тўрткўл ва Кегейли, туманларида, Хоразм вилояти Қўшқўпир, Шоввот ва Гурлан туманларида жами 4100 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 23.02.2017 й., 02/20-170-сон маълумотномаси). Бунда меҳнат унумдорлиги ошган, ёқилғи мойлаш маҳсулотлари 15-20% га тежалиб, мавсумий сув миқдори 20-25% га иқтисод қилинган ва гектаридан 1,5-3,0 центнер қўшимча пахта ҳосили олинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала тажрибалари ҳар йили ЎзҚХИИЧМ ва ПСУЕАИТИнинг махсус комиссиялари томонидан апробациядан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Тадқиқотлар натижалари Республика ва Халқаро илмий-амалий конференцияларда, жумладан: «Деҳқончилик тизимида зироатлардан мўл ҳосил етиштиришнинг манба ва сув тежовчи технологиялари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси (Тошкент шаҳри, 2010); «Қишлоқ хўжалигида янги тежамкор агротехнологияларни жорий этиш» мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси, (Тошкент шаҳри, 2011); «Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги соҳасининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференциясида (Тошкент шаҳри, 2015); «Приоритетные направления развития современной науки молодых учёных аграриев» (Россия, 2016); «Proceedings of the Uzbek – Japan symposium on ekotechnologies» (Япония, 2016) мавзусидаги халқаро конференцияларида маърузалар қилинган ва ижобий баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган. Шунингдек, 3 та тавсиянома чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, етита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тупроққа асосий ва ғўза қатор оралиқларига ишлов бериш бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, турли қатор оралиқларида ғўзани етиштириш, тупроққа асосий ва экиш олдида ишлов беришда юқори унумли занжирли ва ғилдиракли тракторлардан фойдаланишнинг тупроқ зичланиши, солиштирама оғирлиги, сув ўтказувчанлиги каби агрофизикавий ва сув-физикавий хоссаларига таъсири баён қилинган. Шунингдек, турли қатор оралиқларида ғўза етиштиришда тупроққа ишлов бериш технологиясининг асосий элементлари ҳамда озиклантириш тартибини такомиллаштириш ҳамда ниҳолларнинг униб чиқиши, ўсимликнинг ўсиши-ривожланиши ва пахта ҳосилдорлигига таъсири борасида маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижалари келтирилган. Адабиётлар таҳлилининг сўнги саҳифасида тупроққа асосий ишлов бериш ва ғўзани мақбул қатор ораларини такомиллаштириш ҳамда ушбу қатор ораларига ишлов бериш агротадбирларини фермер хўжалиқларига кенг жорий қилиш кераклиги хулоса қилинган.

Диссертациянинг «**Тажриба ўтказиш жойи, тупроқ-иқлим шароитлари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари келтирилган. Тошкент вилоятининг эскитдан суғориладиган типик бўз тупроқлари автоморф турига кириб, сизот сувлари 18-20 м чуқурликда жойлашганлиги, ҳайдалма қатлами озика унсурлари билан кам даражада таъминланганлиги қайд этилган.

Тажриба ўтказилган йиллар мобайнида фақатгина ёз ойларида ҳавонинг ҳарорати кўп йиллик кўрсаткичларига (июнда 25,3; июлда 27,2; августда 25,3<sup>0</sup>С) яқин бўлиб, ўртача июнь ойида 24,4-28,9<sup>0</sup>С, июлда 26,1-28,9<sup>0</sup>С ва августда 25,4-27,1<sup>0</sup>С ни, сентябрь ойида ҳаво ҳарорати ўртача 20,0-21,6<sup>0</sup>С ташкил этиб, кўп йилликка яқин бўлганлиги кўрсатиб ўтилган.

Тадқиқотлар ўтказилган йилларда иқлим шароитларининг мақбул бўлганлиги кузатилган бўлиб, тажрибалар дала ва лаборатория шароитида «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», «Дала тажрибаларни ўтказиш услублари» қўлланмалари асосида

олиб борилган. Ҳосилдорлик бўйича олинган маълумотларнинг аниқлиги Б.А.Доспеховнинг «Методы полевого опыта» услубий қўлланмаси бўйича дисперсион таҳлил асосида ишлаб чиқилган.

Дала тажрибаларини бошлашдан аввал амал даври боши ва охирида тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) ва ҳайдов ости (30-50 см) қатламларидан тупроқ намуналари олиниб, унда умумий чиринди миқдори И.В.Тюрин, азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари А.П.Гриценко, И.М.Мальцева, нитратли азот миқдори Гронвальд-Ляжу, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин, алмашинувчи калийни алангали фотоколорометрда П.В.Протасов усулларида аниқланган.

Тажриба даласи тупроғининг сув-физик хоссалари ўзгаришини аниқлашда «Методы агрофизических исследований» қўлланмасидан фойдаланилган бўлиб, тупроқнинг ҳажм массаси Н.А.Качинский усулида, сув ўтказувчанлиги, ғоваклиги ҳамда механик таркиблари цилиндрлар ёрдамида аниқланган.


Диссертация иши дастурига мувофиқ илмий изланишлар Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқларида урта тизим бўйича олиб борилганлиги диссертацияда аниқ келтирилган. Ушбу кўрсатилган тизимлар бўйича илмий изланишларда ҳар бир тажриба даласида ўтказилган барча агротехник тадбирлар тавсилоти ёритилган ва тадқиқотлар объекти сифатида олинган ғўза навларининг ва такрорий ҳамда оралик экинларнинг биологик тавсифи тўлиқ баён қилинган.

Диссертациянинг «**Тупроққа асосий ишлов беришда турли юқори унумли тракторлардан фойдаланишнинг тупроқ хусусиятларига, ғўзанинг ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири**» деб номланган учинчи бобида ғилдиракли Магнум-8940 ва занжирли Т-4А тракторлари билан эрта баҳорда ерга асосий ишлов берилганда, тракторнинг ўтишига қадар ва трактор ўтишидан кейин тупроқ зичлиги ва қаттиқлигига таъсири таҳлил қилинган. Трактор ўтгунга қадар тупроқ зичлиги 0-10 см қатламда ўртача  $1,303 \text{ г/см}^3$  ни, тупроқ қаттиқлиги эса 0,58 МПа ни ташкил этган бўлса, Магнум-8940 ва Т-4А тракторлари билан ишлов берилгандан сўнг бу кўрсаткичлар мос равишда  $1,485-1,389 \text{ г/см}^3$  ва 2,26-1,12 МПа га тенг бўлганлиги кўрсатилган. Ғилдиракли Магнум-8940 трактори билан ишлов берилганда, тупроқнинг зичлиги занжирли Т-4А трактори билан ишлов берилганга нисбатан  $0,096 \text{ г/см}^3$  қаттиқлиги эса 1,14 МПа га ошганлиги кузатилган. Тупроқнинг 10-20 ва 20-30 қатламида трактор ўтгунга қадар тупроқ зичлиги ва қаттиқлиги Т-4А трактори билан ишлов берилганда Магнум-8940 трактори билан ишлов берилганга нисбатан  $0,146-0,101 \text{ г/см}^3$  ва 1,05-0,69 МПа камайганлиги аниқланган.

Бу кўрсаткич ҳайдов ости қаламида (30-40 ва 40-50 см) тупроқ зичлиги ва қаттиқлиги ғилдиракли Магнум-8940 трактори билан ишлов берилганга нисбатан занжирли Т-4А трактори билан ишлов берилганида биров камайган. Бинобарин, Т-4А трактори билан ишлов берилган ерларда тупроқ зичлиги  $1,389 \text{ г/см}^3$  ни, қаттиқлиги 1,42 МПа ни ташкил этган бўлса, 40-50 см

қатламларда тупроқ зичланиши  $1,349 \text{ г/см}^3$  ни, қаттиқлиги эса  $1,72 \text{ МПа}$  ни ташкил этганлиги кўрсатиб ўтилган.

Изланишларда, занжирли Т-4А трактори юриб ўтган изларидан олинган барча қатламлардаги тупроқ зичлиги ҳамда тупроқ қаттиқлиги ғилдиракли Магнум-8940 трактори юриб ўтган изларга нисбатан паст бўлган ҳолда тупроқ зичлиги ўртача  $0,096\text{-}0,069 \text{ г/см}^3$  га, тупроқ қаттиқлиги эса  $1,14\text{-}0,25 \text{ МПа}$  га камайиши аниқланган. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш мумкинки, тупроқ зичлиги ва тупроқ қаттиқланиши шудгор ости қатламларда камайиб бориши ҳамда ҳар икки трактор орасидаги тафовут эса тупроқнинг ҳайдалма қатламида кўпроқ бўлиши кўрсатиб ўтилган (1-расм).




**1-Расм. Ерга асосий ишлов бериш техникаларининг тупроқ зичланишига таъсири**

Т-4А занжирли трактори билан шудгорланган ерларни шу трактор билан борана+мола қилинган вариантда, тупроқ ҳажм массаси 1-бораналашдан сўнг 0-30 см қатламда  $1,30 \text{ г/см}^3$  ни ташкил этган бўлса, экишдан сўнг тупроқ ҳажм массаси  $1,39 \text{ г/см}^3$  ни ва 1 марта суғорилгандан сўнг бу кўрсаткич  $1,30 \text{ г/см}^3$  га тенг бўлганлиги аниқланган.

Ғилдиракли Магнум-8940 трактори билан шудгорланган ерларни ушбу тракторнинг ўзи билан борана+молаланган вариантда, тупроқнинг 0-30 ва 30-50 см қатламлардаги ҳажм массаси  $1,38\text{-}1,41 \text{ г/см}^3$  ни ташкил этган бўлса, ушбу қатламда экишдан сўнг тупроқ ҳажм оғирлиги  $1,42\text{-}1,39 \text{ г/см}^3$  ни, 1-суғоришдан сўнг  $1,32\text{-}1,42 \text{ г/см}^3$  ни ва вегетация охирига келиб  $1,37\text{-}1,47 \text{ г/см}^3$  ни ташкил этган. Ушбу вариантда Т-4А занжирли трактори билан тўлиқ ерга асосий ишлов берилган вариантга, яъни биринчи вариантга нисбатан тупроқнинг ҳажм оғирлиги вегетация охирига келиб  $0,06 \text{ г/см}^3$  гача ошганлиги кузатилган.

Демак, Т-4А занжирли трактори билан шудгор қилинган майдонни шу трактор билан борана+мола ўтказилганда, вегетация даври охирига келиб тупроқнинг ҳажм оғирлиги меъёрлашиши ҳамда ушбу вариантда бошқа вариантларга нисбатан мақбул бўлиши аниқланган. Магнум-8940 трактори

билан шудгорланган майдонни занжирли Т-4А трактори билан борана+мола ўтказилган вариантда ҳам бошқа вариантларга нисбатан вегетация охирига келиб тупроқнинг ҳажм оғирлиги яхшиланиши кузатилган. Магнум-8940 трактори билан юриб ўтилган изларда Т-4А трактори билан юриб ўтганга нисбатан тупроқнинг зичланиши юқори бўлиши кузатилган. Шунингдек, тупроқнинг 30-50 см қатламида ҳам тупроқнинг зичланиши трактор юриб ўтганга қадар ошиб борганлиги ва Магнум-8940 тракторида бу юқори бўлиши аниқланган (2-расм).




**2-Расм. Ерга асосий ишлов беришда техникаларининг тупроқ ҳажм массасига таъсири, 2005 йил.**

Ерга асосий ишлов бериш тадқиқотларида занжирли Т-4А трактори билан шудгор ўтказилиб, сўнг ғилдиракли Магнум-8940 трактори билан борана+молалаш ўтказилган вариантда, тупроқнинг 0-30 ва 30-50 см қатламларида тупроқ ғоваклиги 1-бораналашдан сўнг 51,5-46,7% ни ташкил этганлиги, экишдан сўнг эса тупроқнинг ғоваклиги бироз камайиб 50,4-47,0% га тушганлиги кузатилган. Шунингдек, ғўзага биринчи сув кўйилгандан сўнг 0-30 ва 30-50 см қатламлар бўйича кузатувлар олиб борилганда тупроқнинг ғоваклиги 51,5-50,4% ни ташкил этганлиги кузатилган бўлса, вегетация охирига келиб тупроқнинг 0-30 ва 30-50 см қатламларида тупроқ ғоваклиги 54,8-48,5% ни ташкил этиб, ўсув даври бошига нисбатан бироз ошганлиги кузатилган.

Тадқиқотларнинг охириги вариантыда, яъни ғилдиракли Магнум-8940 трактори билан шудгор қилинган майдонни занжирли Т-4А трактори билан борана+мола қилинган вариантда, тупроқ ғоваклиги 0-30 ва 30-50 қатламларда 51,5-47,0% ни ташкил этганлиги кузатилган. Тупроқ ғоваклиги экишдан сўнг аниқланганида 0-30 ва 30-50 қатламларда 50,7-47,0% ни ташкил этиши кузатилган ва ушбу вариантда ҳам тупроқ ғоваклиги экишдан сўнг бироз камайиши қайд этилган.

Шунингдек, 1-суғоришдан сўнг тупроқ ғоваклиги 0-30 ва 30-50 см қатламларда 53,3-49,2% ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткичлар вегетация охирига келиб мос равишда 53,0-49,2% га тенг бўлганлиги маълум бўлган. Айтиш жоизки, ушбу вариантда тупроқ ғоваклиги бошқа вариантларга нисбатан бироз камайиши кўрсатиб ўтилган (3-расм).



**3-Расм. Ерга асосий ишлов беришда техникаларининг тупроқ ғоваклигига таъсири, 2005 йил.**

Олинган натижаларга кўра, занжирли Т-4А трактори билан ерга асосий ишлов берилганда, тупроқнинг ғоваклиги ғилдиракли Магнум-8940 трактори билан ишлов берилганга нисбатан бироз ошиб бориши аниқланган.

Тупроқнинг ғоваклигига занжирли Т-4А трактори билан шудгор қилиниб, шу тракторнинг ўзи билан бораналаш ва молалаш ишлари ўтказилганда, вегетация охирига келиб тупроқ ғоваклиги бошқа вариантларга нисбатан бироз юқори бўлганлиги кўрсатиб ўтилган.

Ғилдиракли Магнум-8940 маркали трактори билан шудгор қилинган майдонни занжирли Т-4А трактори билан борана+мола қилинган вариантда тупроқнинг 10-20-30 см қатламларидаги кесакли фракциялар сони вегетация даврининг бошида 21,0-27,2-17,2% ни, қулай агрономик фракциялар сони эса 73,5-70,6-80,8% ни, чангланган ноқулай агрономик фракциялар сони 5,5-2,2-2,0% ни ташкил этган. Вегетация даврининг охирига келиб, мос равишда кесакли фракциялар сони 20,7-19,8-22,0% ни, қулай агрономик фракциялар сони эса 75,6-76,9-74,0% ни, чангланган ноқулай фракциялар сони 3,7-3,3-4,0% ни ташкил этганлиги қайд этилган. Тупроқнинг 30-40 ҳамда 40-50 см қатламларидаги 10 мм дан катта бўлган кесакли фракциялар сони вегетация бошида 28,1-25,2% ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткичлар вегетация охирига келиб, бироз камайган ҳолда 22,1-20,8% ни ташкил этганлиги қайд қилинган. Шунингдек, ушбу қатламлардаги агрономик қулай фракциялар ҳамда чангланган ноқулай фракциялар сони вегетация бошида 70,5-73,0 ҳамда 1,4-1,8 % ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткичлар

вегетация охирига келиб мос равишда 73,9-75,3 ҳамда 4,0-3,9% ни ташкил этган ҳолда бироз ошиб бориши аниқланган.

Ўзанинг вегетация даври охирига келиб, агрономик қимматли фракциялар сони занжирли трактор билан ишлов берилган вариантларда кўпроқ бўлиши кузатилиб, қолган вариантларда 74,5-75,6-76,6% ни ташкил этганлиги кўрсатиб ўтилган.

Занжирли Т-4А трактори билан шудгор қилинган майдонни Магнум-8940 трактори билан борана+мола ўтказилган вариантда чигитнинг униб чиқиши дастлабки кунларда, яъни 12-май куни 46,6% ни ташкил этганлиги аниқланган бўлса, май ойининг 15 санасига келиб чигит униб чиқиши 65,9% ни ташкил этганлиги аниқланган. Орадан уч кун ўтиб, яъни 18-май куни олиб борилган кузатувлар натижаларига кўра, чигитнинг униб чиқиши 89,8% ни ташкил этганлиги ва ғилдиракли Магнум-8940 трактори билан ер тайёрлашда тўлиқ ишлов берилган вариантга нисбатан чигит 1,2% га кўпроқ униб чиққанлиги маълум бўлган.

Ерга асосий ишлов бериш техникаларини комбинациялаштирилган вариантда, яъни ғилдиракли Магнум-8940 трактори билан шудгор қилинган майдонни занжирли Т-4А трактори билан эрта баҳорда борана+мола қилинган вариантда 12-май куни чигитнинг униб чиқиши 47,7% ни ташкил этиб, бошқа вариантларга нисбатан 1,1-3,4% га ортган бўлса, орадан уч кун ўтгандан сўнг чигит униб чиқиши 87,7% ни ташкил этган ҳолда барча вариантларга нисбатан юқори кўрсаткичларга эга бўлганлиги аниқланган. Қолаверса, чигит униб чиқиши бўйича охириги кузатувлар олиб борилган кунда ҳам чигит униб чиқиши барча вариантлардан юқори бўлиши аниқланиб, 97,7% ни ташкил этганлиги қайд этилган.

Занжирли Т-4А трактори билан ишлов берилган вариантда чигитнинг униб чиқиши бошқа вариантларга нисбатан бироз юқори бўлиши ва ғилдиракли Магнум-8940 трактори билан шудгор қилинган майдонни Т-4А трактори билан борана мола ўтказилган вариантда чигит униб чиқиши бошқа вариантларга нисбатан энг юқори кўрсаткичларга эга бўлганлиги ифодаланган.

Тажрибанинг биринчи вариантыда, яъни занжирли Т-4А трактори билан шудгор қилинган майдонни занжирли Т-4А трактори билан борана+мола қилинган вариантда йиллар бўйича кўчат қалинлиги 100,4 минг/га ни ташкил этганлиги аниқланган.

Ғилдиракли Магнум-8940 трактори билан шудгор қилинган майдонни ушбу тракторнинг ўзи билан экиш олдида борана+мола қилинган вариантда ўзанинг кўчат қалинлиги йиллар бўйича ўртача 86,7 минг/га ни ташкил этганлиги ва бу экиш олди ерга асосий ишлов беришда занжирли Т-4А трактори билан ишлов берилганга нисбатан 13,7 минг/га кўчат кам бўлганлиги исботлаб берилган.

Тажрибанинг учинчи вариантыда, яъни занжирли Т-4А трактори билан шудгор қилинган майдонни ғилдиракли Магнум-8940 трактори билан борана+мола қилинган вариантда кўчат қалинлиги йиллар бўйича ўртача 90,7 минг/га ни ташкил этганлиги кузатилган. Ушбу вариантда кўчат



қалинлиги занжирли трактор билан тўлиқ ишлов берилган вариантга солиштирилганда кўчат қалинлиги 9,7 минг/га кам бўлганлиги кузатилган ва ғилдиракли Магнум-8940 трактори билан тўлиқ ишлов берилган вариантга нисбатан 4,0 минг/га кўчат кўп бўлганлиги аниқланган.

Ғилдиракли Магнум-8940 трактори билан шудгор қилинган майдонни, занжирли Т-4А трактори билан борана+мола қилинган вариантда кўчат қалинлиги 2003 йилда 96,2 минг/га ни ташкил этган бўлса, кейинги (2004) йилда 99,0 минг/га ни ташкил этиб, бу кўрсаткич 3,2 минг/га га ошганлиги кузатилган. Лекин, кейинги йилларда кўчат қалинлиги бошқа вариантларга нисбатан бироз пасайган ҳолда 79,7 минг/га ни ташкил этганлиги қайд этилган. Умуман олганда, ушбу вариантда кўчат қалинлиги йиллар бўйича ўртача 91,6 минг/га ни ташкил этиб, занжирли Т-4А трактор билан шудгор қилиниб, баҳорги ер тайёрлашда худди шу тракторнинг ўзи билан борана+мола қилинган вариантдан 8,8 минг/га кам бўлганлиги, лекин бошқа барча вариантлардан кўпроқ кўчат олинганлиги аниқланган.

Олиб борилган тадқиқот натижаларидан занжирли Т-4А трактори билан шудгор қилиниб, худди шу тракторнинг ўзи билан ерга асосий ишлов берилган вариантда яхши натижаларга эришилган ҳолда 100,4 минг/га кўчатни ташкил этганлиги ва ушбу вариантда тупроқнинг зичланиши камайиши эвазига тўлиқ кўчат олишга эришиш мумкинлиги изоҳлаб берилган. Шунингдек, ғилдиракли Магнум-8940 трактори билан шудгор қилиниб, эрта баҳорда занжирли Т-4А трактори билан борана+мола қилинган вариантда ҳам ижобий натижалар олинганлиги ва ушбу вариантда кўчат қалинлиги бошқа вариантларга нисбатан 4,9-0,9 минг/га га кўпроқ кўчат ҳосил қилинганлиги аниқланган.

Тажрибанинг иккинчи вариантыда ғилдиракли Магнум-8940 трактори билан шудгор қилиниб баҳорги асосий ер тайёрлашда Магнум-8940 тракторидан фойдаланилганда, ўсимликнинг ўсиб ривожланиши занжирли Т-4А трактори билан ишлов берилган вариантга нисбатан жадаллашганлиги кўрсатиб ўтилган. Бинобарин, ўсимлик бўйи июль ва август ойларининг бошида 40,3-94,6 см ни ташкил этиб, Т-4А трактори билан ишлов берилган биринчи вариантга нисбатан 5,5-8,4 см юқори бўлганлиги аниқланган. Ҳосил шохлари сони июль ва август ойларининг биринчи санасида 4,7-13,5 донани ташкил этиб, Т-4А трактори билан тўлиқ ишлов берилган вариантга нисбатан 0,1-0,5 донага кўп бўлганлиги кўрсатилган.

Кўсақлар сони август ойида биринчи вариант билан бир хил бўлганлиги кузатилиб, фақат сентябрь ойига келганида кўсақлар сони 8,6 донани ташкил этиб, биринчи вариантга нисбатан 0,1 донага кўп бўлганлиги кузатилган.

Занжирли Т-4А трактори билан шудгор қилинган майдонни ғилдиракли Магнум-8940 трактори билан чигит экиш олди борана ва мола қилиб тайёрланган вариантда, ўсимлик бўйи июль ойига қадар бошқа вариантлар билан бир-бирига яқин ҳолда ўсиб ривожланган бўлсада, бу кўрсаткичлар август ойининг бошига келиб 91,9 см ни ташкил этганлиги ва биринчи вариантга нисбатан 5,7 см га юқори бўлганлиги аниқланган. Ҳосил

шохлари сони эса август ойида 13,5 донани ташкил этиб, биринчи вариантга нисбатан 0,5 донага кўп бўлганлиги ҳамда иккинчи вариантга нисбатан 1,0 донага кам бўлганлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, кўсаклар сони сентябрь ойининг бошига келиб 8,4 донани ташкил этганлиги маълум бўлган.

Тажрибада ғилдиракли Магнум-8940 трактори билан шудгор қилинган майдонни занжирли Т-4А трактори билан борана+мола қилинган вариантда ўсимлик ўсиб ривожланиши бироз яхшироқ бўлганлиги ва ўсимлик бўйи август ойининг биринчи санасига келиб 94,4 см ни такшил этиб, биринчи ва учинчи вариантларга нисбатан 8,2-2,5 см юқори бўлиши кузатилган. Ҳосил шохлари сони июль ойининг 1-санасида 5,1 донани ташкил этган бўлса, август ойининг 1-санасига келиб 14,0 донани такшил этганлиги маълум бўлиб, ҳосил шохлари сони биринчи ва иккинчи вариантларга нисбатан 0,5-1,0 донага кўп бўлганлиги қайд этилган. Ушбу вариантда кўсаклар сони энг юқори кўрсаткичларга эга бўлиб, сентябрь ойининг 1-санасида 9,0 донани ташкил этган ҳолда бошқа вариантларга нисбатан 0,6-0,4 донага кўп бўлиши ифодаланган.

Айтиб ўтиш жоизки, ғилдиракли Магнум-8940 трактори билан шудгор қилинган майдонни занжирли Т-4А трактори билан борана ва мола қилиб чигит экишга тайёрлаганда, ўсимликнинг вегетатив ва генератив органларининг бошқа вариантларга нисбатан кўпроқ бўлиши аниқланган.

Тошкент вилояти тупроқлари шароитида олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, қайтариқлардан олинган натижаларнинг ўртача ҳисоби бўйича Т-4А трактори билан шудгор қилинган майдонга худди шу тракторнинг ўзи билан ишлов берилган вариантда пахта ҳосили 34,9 ц/га ни ташкил этганлиги маълум бўлган.

Вариантлар бўйича энг паст ҳосилдорлик Магнум-8940 трактори билан ишлов берилиб, кетидан худди шу трактор билан бораналаш ва молалаш ўтказилган вариантдан олинган ва мос равишда ушбу вариантда пахта ҳосили ўртача 30,1 ц/га ни ташкил этганлиги кўрсатилган. Бу ўз навбатида, занжирли Т-4А трактори билан шудгор қилиниб, сўнгра яна шу тракторнинг ўзи билан бораналаш+молалаш ўтказилган вариантга нисбатан 4,8 ц/га кам бўлганлиги исботланган.

Занжирли Т-4А трактори билан шудгор қилиниб, баҳорда экиш олди ғилдиракли Магнум-8940 трактори билан бораналаш+молалаш ўтказилган вариантда пахта ҳосилдорлиги ўртача 36,1 ц/га ни ташкил этганлиги маълум бўлган. Ушбу вариантда биринчи ва иккинчи вариантга нисбатан пахта ҳосили мос равишда 1,1-6,0 ц/га юқори бўлиши аниқланган.

Вариантлар бўйича энг юқори ҳосилдорлик Магнум-8940 трактори билан шудгор қилиниб, сўнг занжирли Т-4А трактори билан бораналаш ва молалаш ўтказилган вариантдан олинди ва бу мос равишда 39,8 ц/га ни ташкил этган. Ушбу вариантда пахта ҳосилдорлиги Т-4А трактори билан ерга асосий ишлов беришда тўлиқ ишлов берилган биринчи вариантга нисбатан 4,9 ц/га га кўп бўлганлиги аниқланган.

Хулоса ўрнида, ғилдиракли Магунм-8940 трактори билан кузги шудгорни ўтказиб, эрта баҳорда занжирли Т-4А трактори билан бораналаш ва молалаш ўтказилганда пахта ҳосилдорлиги бирмунча юқори бўлиши кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг «Турли қатор ораларида ғўза етиштириш ва ўғитлар меъёрининг самарадорлиги» деб номланган тўртинчи бобида ғўзанинг ўсув даври охирида тупроқ ҳайдалма қатламининг ҳажм массаси 80x40 см қатор ораларида, ўғитлар меъёрига мос равишда 1,29-1,31 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этиб, бу кўрсаткич дастлабки ҳолатдан 0,03 ва 0,05 г/см<sup>3</sup> га юқори бўлганлиги кўрсатиб ўтилган. Минерал ўғитларнинг N<sub>200</sub>;P<sub>140</sub>;K<sub>100</sub> кг/га меъёрида ғўза амал даврининг охирида барча вариантларда қатор ораларидан қатъий назар тупроқ ҳажм массаси камайганлиги аниқланган.

Тупроқ ғоваклиги пастки қатламларга қараб камайиб бориши кузатилиб, 80x40 см қатор ораларида эса бу кўрсаткичлар 2,9; 1,5; 0,7; 1,1% га юқори бўлганлиги аниқланган. Ғўзанинг амал даври охирида барча вариантларда тупроқнинг ғоваклиги камайганлиги, бироқ нисбатан юқори кўрсаткичлар қатор оралари 80x40 см бўлганда кузатилган. Бунда, тупроқ ғоваклиги ўғит меъёрларига мос ҳолда ҳайдалма қатламида 52,6 ва 52,6% ни ташкил этиши кўрсатиб ўтилган.

Ғўзанинг амал даври охирида тупроқнинг 0-10 см ли қатламида қатор оралари 60; 80x40; 80x60 ва 80 см бўлган вариантларда тупроқдаги қулай агрономик фракциялар миқдори мос равишда 73,5; 77,1; 75,6 ва 73,4% ни ташкил этиб, мақбул кўрсаткич 80x40 см қатор ораларида кузатилган. Бунда тажрибанинг бошқа вариантларига нисбатан қулай агрономик фракциялар миқдори 3,6; 1,5; 3,7% га юқори бўлганлиги кўрсатиб ўтилган.

Тупроқ механик таркибининг ўзгариши минерал ўғитлар меъёрларига нисбатан, қатор оралари таъсирида сезиларли бўлиши аниқланган. Бинобарин, ўғит меъёрларига мос ҳолда 60 см қатор ораларида тупроқнинг бу фракциялар миқдори ҳайдалма қатламда 17,5 ва 20,9% ни ташкил қилган бўлса, қатор оралари 80x40 см бўлганда 20,4 ва 20,0% га тенг бўлганлиги қайд қилинган.

Минерал ўғитлар меъёри гектарига N<sub>250</sub>;P<sub>175</sub>;K<sub>125</sub> кг/га га ортиши билан барча вариантларда нитратли азот, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий миқдори ортганлиги аниқланган. Ўғитларнинг бу меъёрида ҳам энг юқори кўрсаткичлар қатор оралари 80x40 см бўлганда кузатилган. Бу вариантда нитратли азот миқдори 18,3 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 48,9 мг/кг ва алмашинувчи калий 260 мг/кг ни ташкил қилдики, бу кўрсаткичлар ўғитлар меъёри N<sub>200</sub>;P<sub>140</sub>;K<sub>100</sub> кг/га бўлган вариантлардан (2) 3,6; 0,6 ва 27,0 мг/кг га кўпдир.

Кузатувлар натижасига кўра, ўзгарувчан қатор оралари 80x40 см да ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши учун бошқа қатор ораларига нисбатан мақбул шароит яратилганлиги кўрсатиб ўтилган. Энг юқори натижалар N<sub>250</sub>;P<sub>175</sub>;K<sub>125</sub> кг/га ўғит меъёри қўлланилганда кузатилиб, 80x40 см ли қатор ораларида озика унсурларининг яхши сақланиши ҳисобига ўсимликнинг

ўзлаштириши ортган, бу эса ҳосилдорликка ижобий таъсир кўрсатилганлиги исботлаб берилган.

Ўзанинг гуллаш даражаси 60 см қатор оралиғига нисбатан ўзгарувчан 80x40 см қатор оралиғида  $N_{200}; P_{140}; K_{100}$  кг/га қўлланилганда 8,3% га,  $N_{250}; P_{175}; K_{125}$  кг/га қўлланилганда эса 10,2% га тезлашганлиги, кўсақларнинг очилиш суръатлари ҳам мутаносиб равишда ортганлиги аниқланган. Кўсақларининг очилиш динамикаси 60 см қатор оралиғида ўғитлар меъёрига мос равишда 78,4-80,9% ни, ўзгарувчан 80x40 см қатор оралиғида 89,1-91,2% ни, 80x60 см қатор оралиғида эса 81,6-80,4% ни ҳамда 80 см қатор оралиғида 80,7-80,6% ни ташкил этган.

Минерал ўғитлар меъерининг  $N_{200}; P_{140}; K_{100}$  кг/га дан  $N_{250}; P_{175}; K_{125}$  кг/га гача ошиши натижасида барча вариантларда бир туп ўзанинг қуруқ вазни ошганлиги кузатилиб, ўзгарувчан 80x40 см қатор оралиғида бошқа вариантларга нисбатан ўзанинг қуруқ вазни юқорироқ бўлганлиги аниқлаб берилган.

Бир туп ўзанинг умумий қуруқ вазни ўғит меъёри  $N_{200}; P_{140}; K_{100}$  кг/га қўлланилган 60 см ва 80 см қатор оралиқларида 134,2 –113,8 гр. ни, ўзгарувчан 80x40 см ҳамда 80x60 см қатор оралиқларида мос равишда 153,5-149,6 гр. ни ташкил этиб, 60 см га нисбатан ўзгарувчан 80x40 см қатор оралиғида ўзанинг қуруқ вазни 19,3 гр. га ортиши аниқланган.

Қатор оралиғи 80x40 см бўлганда ўқ илдиз чуқурга тушиб кетмай, ён илдиз ва илдизчалар яхши ривожланганлиги кўрсатиб ўтилган. Ўғитлар меъерининг  $N_{250}; P_{175}; K_{125}$  кг/га га ортиши билан ўзанинг илдиз тизими ривожланиши янада яхшиланганлиги кўрсатиб ўтилган.

Изланишларда 60, 80 см қатор оралиқларига нисбатан ўзгарувчан 80x40 ҳамда 80x60 см қатор оралиқларида (айниқса 80x40 см да) ишлов бериш сони қисқариб, илдизлар озикланиши ва ривожига ижобий таъсир этиши натижасида ўзанинг ўсиши ҳамда ривожланиши яхшиланиб ҳосилдорлик юқори бўлиши аниқлаб берилган.

Ўзанинг ўсув даври охирида ўғитлар  $N_{200}; P_{140}; K_{100}$  кг/га меъёрда қўлланилиб, қатор оралиқлари 60 см бўлган вариантда ўзанинг поясида умумий азот, фосфор ва калий миқдорлари мутаносиб равишда 1,52; 0,65 ва 0,90% ни ташкил қилган ҳолда, қатор оралиғи 80x40 см бўлган вариантда бу кўрсаткичлар мос равишда 1,62; 0,70 ва 1,10% га тенг бўлган. Қатор оралиқлари 80x60 см ва 80 см бўлган вариантларда ҳам 60 см қатор оралиғига нисбатан юқори маълумотлар олинган. Умумий азотнинг энг кўп миқдори ўсимликнинг барги ва пахта ҳосилида, фосфор пахта ҳосилида, калий эса чаноқларида тўпланиши аниқланган. Пахта ҳосилида умумий азот, фосфор ва калий миқдорлари 60 ва 80x40 см ли қатор оралиқларига мутаносиб равишда 1,69; 0,83 ва 0,750% ҳамда 1,90; 0,86 ва 0,800% ни ташкил қилган.

Ўғитлар меъёри  $N_{250}; P_{175}; K_{125}$  кг/га ошиши билан барча қатор оралиқларида ўзанинг озик моддаларни ўзлаштириши  $N_{200}; P_{140}; K_{100}$  кг/га даги вариантларга нисбатан ортиши кўрсатилган. 60 см қатор оралиғида ўзанинг баргида умумий азот, фосфор ва калий миқдорлари 2,10; 0,90 ва

1,10% ни ташкил қилган бўлса, 80x40 см ли қатор оралиғида бу кўрсаткичлар 2,86; 1,10 ва 1,60 фоизга тенг бўлганлиги аниқланган.

Ўзани вилт касаллиги билан зарарланиши 60 см қатор оралиғида 43,2% ни, 80x40 см ўзгарувчан қатор оралиғида 35,1% ни, 80x60 см қатор оралиғида 38,8% ни, 80 см қатор оралиғида эса 46,4% ни ташкил этгани аниқланган. Изланишларда, ўзанинг вилт касаллиги билан зарарланиши қатор оралиқлари 60 см дан 80x40 см га ўзгариши билан камайиб, ўғитлар меъёрининг  $N_{200}; P_{140}; K_{100}$  кг/га дан  $N_{250}; P_{175}; K_{125}$  кг/га ошиши билан кўпайиши исботлаб берилган.

Тадқиқотларда ўзгарувчан 80x40 см қатор оралиғида умумий берилган сув 4870 м<sup>3</sup>/га ни ташкил қилиб, шундан 4675 м<sup>3</sup>/га сув тупроққа шимилган, 14,8% сув оқиб чиққан ва натижада 60 см ли қатор оралиғига нисбатан 23,8% сув иқтисод қилинган. 80x60 см қатор оралиғида берилган сув сарфи 5560 м<sup>3</sup>/га ни, тупроққа ўзлаштирилиши 4815 м<sup>3</sup>/га ни, оқиб чиққан сув эса 15,5% ни ташкил этган. Қатор оралиғи 80 см бўлганда эса умумий берилган сув сарфи 5500 м<sup>3</sup>/га ни, шундан тупроққа шимилиши 4740 м<sup>3</sup>/га ни, сув оқиб чиқиши 18,9% ни ташкил этган. Умуман олганда, кузатувларда 60, 80x60 ва 80 см ли қатор оралиқларида ўза етиштирилганда сув сарфи 80x40 см қатор оралиғига нисбатан кўп сарфланганлиги кўрсатиб ўтилган. Ўзгарувчан 80x40 см қатор оралиғида аксинча, яъни бошқа қатор оралиқларига нисбатан сув сарфи кам бўлиши исботлаб берилган.

Қатор оралиғи 60 см ли вариантда ўғит меъёри  $N_{200}; P_{140}; K_{100}$  кг/га бўлганда пахта ҳосили ўртача 30,9 ц/га ни ташкил қилган. Қатор оралиғи 80x40 см бўлганда пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги 33,1 ц/га бўлиб, 60 см ли вариантга нисбатан 2,2 ц/га кўшимча ҳосил олинган. Қатор оралиғи 80x60 см ли вариантда гектарига 32,4 ц, 80 см ли қатор оралиғида эса ҳосилдорлик 31,4 ц/га га тенг бўлиб, назоратга нисбатан мутаносиб равишда 0,5 ва 1,5 ц/га гача кўшимча пахта ҳосили олинган. Бунда, 60 см ли қатор оралиғига нисбатан кенгроқ 80x60 ёки 80 см лида ўза учун нисбатан яхши шароит яратилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Ўза қатор оралиқлари 60 см дан 80x40 см га ўзгариши билан аввало сув 25-27% га иқтисод қилиниши, қолаверса ўза ривож учун зарур бўлган барча шароитлар (тупроқнинг сув-физик, агрохимёвий хоссалари) яхшиланиши аниқлаб берилган.

Диссертациянинг «**Ҳар хил ўза қатор оралиқларига ишлов бериш ва мақбул кўчат қалинлигини белгилаш**» деб номланган бешинчи бобида турли қатор оралиқларида ўзанинг ўсиши ва ривожланиши бўйича маълумотлар берилган. Бунда, қатор ораси 60 см бўлган вариантда жами кўсақлар сони сентябрь ойига келиб, 11,1 донани ташкил этган бўлса, қатор ораси 80x40 см бўлган вариантларда бу кўрсаткич мос ҳолди 11,4-12,9-13,7 донага тенг бўлган. Қатор оралиғи 80x40 см бўлиб, 40 см ораси икки марта ишланган вариантда кўсақлар сони юқори бўлиб, 60 см қатор орасига нисбатан 2,6 донага кўп бўлгани аниқланган. Тадқиқотларда ўзанинг ўсиши ва ривожланиши 60 см (назорат) ҳамда 80x40 см қолдирилиб, 40 см оралиғига ишлов берилмаган вариантларга нисбатан ўзгарувчан 80x40 см да

40 см қатор оралиғига 2 марта ишлов берилган вариантда жадалроқ бўлганлиги қайд қилинган.

Тадқиқотларда ҳар йили яганадан сўнг ҳамда ўсув даври охирида ҳисоб майдончаларида ғўзанинг ҳақиқий туп сони ҳисобланиб борилган. Бунда 2012 йилда назарий кўчат қалинлиги 90-100 минг ва 120-140 минг туп/га дона белгиланганда, 60 см қатор оралиғи нисбатан 80x40 см қатор оралиғида кўчат сони 4,2 минг тупга юқори бўлиши аниқланган.

